Ким саййидул истиғфор

Шаддод ибн Авс разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким саййидул истиғфор–«Аллоҳумма анта Роббий лаа илаҳа илла анта холақтаний ва ана ъабдука ва ана ъала ъаҳдика ва ваъдика мастатоъту аъузу бика мин шарри ма сонаъту, абу`у лака биниъматика ъалаййа ва абу`у бизамбий фағфирлий фаиннаҳу ла йағфируз зунуба илла анта»ни тонгда чин қалбидан айтиб, тун киргунича вафот этса, жаннатга киради. Ким тунда чин қалбидан айтиб, тонг отгунича вафот этса, унда ҳам жаннатга киради», дедилар. Маъноси: Аллоҳим, Сен Раббимсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени яратдинг ва мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган нарсаларимнинг ёмонидан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман. Менга ато қилган неъматларингга иқрор бўлдим ва яна гуноҳларимга ҳам иқрор бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларни кечира олмайди.

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам истиғфорни ҳар хил лафзлари бор эканини ва уларнинг энг афзали, улуғи қуйидаги эканини хабар бердилар: «Аллоҳим, Сен Раббимсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени яратдинг ва мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдам ва аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган нарсаларимнинг ёмонидан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман. Менга ато қилган неъматларингга иқрор бўлдим. Ва яна гуноҳларимга ҳам иқрор бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларни кечира олмайди». Аввалambор Аллоҳнинг шериги йўқ. Банда Аллоҳнинг унинг ёлғиз яратувчиси, маъбуди эканига ҳамда Аллоҳга бўлган иймони ва қўлидан келгинча тоат-ибодатда эканини эътироф этади. Чунки банда қанча ҳаракат қилса ҳам Аллоҳ буюрган барча ибодатларни бажара олмайди ва неъматларига тўлиқ шукр қила олмайди. Банда Аллоҳга илтижо қилиб, У Зотни маҳкам ушлайди. Чунки У Зотнинг Ўзи банда қилган ёмонликларидан паноҳ беради. Банда У Зотнинг ўзининг устидаги неъматларини эътироф этади ва гуноҳу маъсиятларини бўйнига олади. Банда юқоридаги нарсалар билан Аллоҳга тавассул қилгандан сўнг гуноҳларини беркитиб, Ундан мағфирати, авфи, фазли ва раҳмати билан гуноҳларини ўчиришини сўраб дуо қилади. Чунки гуноҳларни У Зотдан бошқа мағфират этувчи йўқ. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу зикр эрталабки кечки зикрлардан эканини хабар бердилар. Ким-ки тўлиқ ишонч, маъноларини ҳис қилган ҳолда унга иймон келтириб, кундузи, яъни, қуёш чиқиш вақтидан пешингача бўлган оралиқдаги вақтда айтса сўнгра вафот этса, жаннатга киради. Ким кеч айтса, яъни, қуёш ботгандан эрталабгача бўлган вақтда айтса ва тонг отишидан олдин вафот этса, жаннат аҳлидан бўлади.